СССР Давлат китоб палатаси

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 58 (8. 487) ◆ 1994 йил 18 май, чоршанба ◆Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯПОНИЯДА

ТОКИО, РАТА—ТАСС ва ЎзА мухбирлари хабар берадилар: 16 май куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзининг биринчи расмий амалий ташрифи билан Японияга келди.

Токионинг Ўзбекистон Республикаси ва Японияниинг Давлат байроқлари билан безатилган «Ханэда» аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Тантанали кутиб олиш маросими тугаганидан сўнг Ислом Каримов рафиқаси билан ўзлари учун ажратилган боргоҳга йўл олди.

19 майгача давом этадиган ташриф мобайнида Ислом Каримов Японияниинг Бош вазири Цутому Хата билан музокаралар олиб боради, Император Акихито томонидан қабул қилинади, ишбилармон доираларнинг вакиллари билан учрашади. Тошкент ва Токио ўртасида биринчи навбатда иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига пойдевор қўйиши лозим бўлган сафар якунлари бўйича биргаликдаги ҳужжатлар имзоланади. Ислом Каримовнинг ташрифи Японияниинг қадимий пойтахти Киото шаҳрида якунланади. Бу шаҳар ўтмиш ва келажак ўзаро алоқадорлигининг рамзи бўлиб қолади. Чунки Европадан Марказий Осиё орқали ўтиб Узоқ Шарққача борган Буюк ипак йўлининг сўнгги манзили мана шу шаҳар бўлган.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Японияга расмий амалий ташрифи давом этмоқда. 17 май куни ҳам қизиқарли учрашувларга бой бўлди. Ислом Каримов ва Япония Бош вазири Цутому Хата икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ҳақидаги қўшма баёнотни имзоладилар. Унда Ўзбекистон ва Япония БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ер юзида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, минтақавий низоларни бартараф этиш йўлида баҳамжиҳат ҳаракат қилишни ўз зиммаларига олишлари таъкидланган. Шунингдек, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдан иккала томон ҳам манфаатдор эканлиги қайд этилган.

Ислом Каримов имзоланган ҳужжатни ўзаро ҳамкорликнинг бошланиши деб атади. Япония Бош вазири Цутому Хата эса қадим Буюк ипак йўлидан бошланган икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига умид билдирди.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Япония музокаралари бўлиб ўтди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Японияниинг бир қанча йирик фирма ва банклари раҳбарларини қабул қилди, журналистлар билан учрашди.

— Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий алоқаларни жадал суръатлар билан ривожлантириш учун етарли замин ҳозирланди,— деди Ислом Каримов. —Япон ишбилармонлари янги боворни ўзлаштиришга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошадилар. Улар бир ярим йилдан бери Ўзбекистондаги шароитни синчковлик билан ўргандилар. Иқтисодий муносабатлар равнақи учун зарур бўлган сиёсий барқарорликка катта эътибор бердилар. Эндиликда ҳамкорлик амалий босқичга кирмоқда. Бугунги кунда Япония ҳукумат даражасида муҳим қарорлар қабул қилмоқда, мамлакатнинг йирик хусусий компаниялари республикамиз бозорини ўзлаштиришга қадам қўймоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Президенти Японияда Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурлар етарли эмаслигини қайд этди. Жумладан, республикада ҳорижий компаниялар фаолияти учун яратилган шароитлар, бу йўналишда қабул қилинган қонунлар ва ҳукумат қарорлари Японияда ҳали кўпчиликка маълум эмас. «Ваҳоланки, бизда ҳорижий сармоядорлар учун барча шароитлар яратилган» — деди Ислом Каримов.

(ЎзА).

Узбек—Хитой қўшма корхонаси чеварлари томонидан Хитойдан келтирилган маҳсулотлардан тайёрланаётган ҳар хил кийим-кечаклар кўпчиликка манзур бўлмоқда.
СУРАТДА: корхона чеварн Шаҳноза Йўлдошева.

Инглиз мутахассислари иштирокида

ИНГЛИЗ тили ўқитувчилари малакасини ошириш мақсадида республика ўқув услубиёт марказининг чет эл фанлари муаллимлари тажрибасини тарғибот қилиш ва халқаро алоқалар бўлими ташаббуси билан Тошкент, Урганч ва Андижон шаҳарларида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Британия Кенгашининг олти нафар мутахассислари иштирок этиб, инглиз тили дарсларини замон талаблари асосида янгича услубларда ўтиш, ўқув жараёнида янги шакл ва воситаларни қўллашнинг ўзига хос томонларини бевосита мактабларда тадбиқ этишни амалда намойиш этишди. Шунингдек, улар инглиз тилидаги бир неча турдаги қўлланмаларни мактаб кутубхоналарига тақдим этишди.

Британиялик мутахассислардан Брижид Нужелд, Женифер Тайн, Стивен Дарклер янги усулдаги мактабларда ишлайдиган ўқитувчилар педагогик маҳоратини шакллантириш бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Ўзаро тажриба алмашиш ва маҳорат ўрганиш асосида ўтган ушбу йиғилиш иштирокчилари ёш ўқитувчилар тажрибаси ва малака ошириш, билимларини мустаҳкамлаш мақсадида, ана шундай анжуманларни тез-тез ўтказиб туриш, чет эллик мутахассислар билан учрашиб туриш мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, қатор таклифлар киритишди.

Зулфия ДУСМУҲАМЕДОВА.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Кеча Тошкентда «Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг иқтисодий фаоллик ва сармоя сарфлашга таъсири» мавзуида халқаро анжуман иш бошлади. Унда Германия, Канада, Марказий Осиё мамлакатлари солиқ тизими вакиллари, бир қанча нуфузли халқаро ташкилотларнинг мутахассислари иштирок этмоқдалар.

● Тошкентдаги Киночилар уйида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг «Энергияни тежаш бўйича Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ҳамкорлиги қоидалари» — (ТАСИС) техникавий ёрдам дастурини таништириш маросими бўлиб ўтди.

● Фарғонада республикада биринчи тадбиркорлар уйи очилди.

● Кеча Тошкентда Ўзбекистон билан Россия халқ таълими вазирликлари ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

● Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг республика Олий Кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

● Бугун «Ташкентская правда» газетасининг 10 мингинчи сони чиқди. Тошкент вилоятининг бу газетаси 1954 йил февралидан чоп этилмоқда.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Россияда шу йил январь-апрель ойларида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 25 фоиздан ҳам кўпроққа камайди.

● Сергей Шахрай миллатлар ишлари ва минтақавий сиёсат бўйича вазир лавозимидан бўшатилганидан сўнг Россия ҳукумати раисининг ўринбосари вазифасидан ҳам истеъфога чиқиши тўғрисида баёнот берди.

● Россия Грузия ва Абхазияда бир-бирига қарши турган кучлар ҳамда Тоғли Қорабоғда Озарбайжон билан Арманистон кучлари ўртасига ўзининг 4500 нафар аскардан иборат тинчликни сақлаш кучларини киритадиган бўлди.

● Украина Бош вазирининг ўринбосари Валерий Шмаров Чернобиль атом электр станциясини бекитиш учун ўн йил ва олти-саккиз миллиард доллар маблағ керак деди. Атом станциясини узил-кесил бекитиш масаласи шу йил ёзда Италиянинг Неаполь шаҳрида бўлиб ўтадиган Ғарбнинг тараққий этган етти давлати раҳбарлари учрашувида муҳокама этилади.

● Беларусь Бош вазири Вячеслав Кебичнинг берган баёнотига кўра, Беларусда Россия рубли яна бир ярим-икки ойдан сўнг муомалага киритилиши мумкин.

● Грузияда ҳозир энг кам иш ҳақи маҳаллий пул ҳисобида 50 минг бўлгани ҳолда истеъмол тўрваси энг кам миқдорининг қиймати 17 миллион, деб баҳоланяпти.

● Россия учувчиларининг касаба уюшмаси бугун бутун мамлакат ҳудудида иш ташлаш ниятида эканлигини билдирди. Бунга ҳукумат томонидан учувчилар шу йил февраль ойида тақдим этган талаблари бажарилмаганлиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

ХОРИЖДА

● Покистон ҳукуматининг раҳбари Беназир Бхутто хоним Покистонга Ҳиндистон тарафидан хавфни бартараф этиш учун ўз атом бомбаси керак, деб баёнот берди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Ироққа қарши қабул қилинган жазо чоралари бундан буён ҳам сақланиб қолинишини билдирди. Ироқ халқаро ҳамжамиятнинг ҳамма талабларини бажарганлиги учун бу жазо чораларини бекор қилишни сўраган эди.

● Америка Қўшма Штатларида чиқадиган «Уолл-стрит журнэл» газетасининг ёзишича, Россиянинг Ғарбга қарзи 80 миллиард доллардан ҳам ортиб кетган. Россия шу йилнинг ўзида Ғарб мамлакатларига олган қарзларининг 32 миллиард долларини қайтариб бериши лозим.

● Жанубий Африка ўз тарихида илк бор НАТО бирлашган қуролли кучларининг ҳарбий-денгиз машқларида иштирок этадиган бўлди.

● Яман шимолий қисмининг Али Абдулла Солиҳ етакчилигидаги қўшинлари Жанубий Яманнинг асосий шаҳри ҳисобланган Аденга ҳужум қилишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Мамлакат жануби ҳарбийлари эса «сўнгги аскар тирик қолгунча жанг қилишларини» билдирмоқдалар. Бирлашган Араб Амирликлари бир-бирига қарши турган бу ҳарбийлар раҳбарларига ўзаро можарони тинч йўл билан ҳал қилишда араб давлатлари воситачилик қилишлари учун қуролли тўқнашувларни тўхтатиш тўғрисида яна бир бор мурожаат қилди.

● Эртага илк бор Ла-Манш бўғози сув остидан ўтган темир йўл орқали юклар Англиядан Францияга келади. Бу сув ости темир йўлида йўловчилар ташиш эса октябрь ойида бошланиши мўлжалланяпти.

* *Ўзбекистон—Қозоғистон: ҳамкорлик қирралари*

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ

ЯҚИНДА Яккасарой туманига Жанубий Қозоғистон вилояти Туркистон тумани вакиллари ташриф буюришди. Меҳмонлар ҳокимлик биносида кутиб олинди

— Бу ерга келишимиздан мақсад, — деди биз билан суҳбатда Туркистон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Бажбанбай Исмоилов, — икки республика Президентлари бошлаб берган алоқаларни ҳаётга тадбиқ этишдан иборатдир. Шартномамизга асосан биз Тошкент шаҳрига қишлоқ хўжалик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришимиз керак.

— Ўзингизга маълумки, Туркистон тумани аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини ўзбеклар ташкил қилади, — дея суҳбатни давом эттирди Яккасарой тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Акбаров. — Табиийки, у ерда ўзбек мактаблари кўп. Биз ана шу масканларни малакали ўқитувчилар ҳамда ҳозирги замон талабига жавоб берадиган ўқув қуроллари билан таъминлашни ўз бўйнимизга олдик. Бундан ташқари яқин орада Туркистон туманида ўз савдо уйимизни очамиз. Йил охиригача туркистонликларга иккита қўшма корхона қуриб берамиз. Унда Қозоғистон далаларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланади.

Шунингдек, шартномада Туркистон тумани аҳолисига малакали хизмат кўрсатиш, туманимизда жойлашган касалхоналарда беморларни даволаш, Тошкент Давлат педагогика институтининг қозоқ филологияси факультетига келган талабаларга ғамхўрлик ва бошқалар ўз аксини топган.

Шу куни меҳмонлар Тошкент тўқимачилик комбинати ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлишди. Туркистонликлар корхонага пахта толасидан ишланган ипларни етказиб беришни ваъда қилишди. Ўз навбатида комбинат Қозоғистонга ўз маҳсулотларини жўнатиш мажбуриятини олди.

Қозоғистон вакиллари туманда жойлашган қурилиш материаллари комбинати ҳамда «Паризод» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасини ҳам бориб кўришди. Ушбу корхоналарда ҳам икки томонлама фойдали фикр алмашилди.

Ғиёс ЮНУСОВ.

* *Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт*

ЮЗИ ЁРУҒ ИШЧИЛАР

БОЗОР иқтисодиёти даврида ўз ички имкониятларини қидириб, уни ишлаб чиқаришга тадбиқ этаётган «Тошшаҳарюктранс» концернига қарашли 142-автокорхона ишчи-хизматчилари ойлик ва йиллик топшириқларини ортиғи билан адо этиб келмоқдалар.

Корхона асли пойтахтимиздаги 3-ун, дон маҳсулотлари тайёрловчи комбинатга, «Ўзэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ғазалкент вино заводига хизмат кўрсатади. 96 та юк машинаси билан ушбу корхоналардан ҳар ойда 19 минг ўрнига 20—21 минг тонна юкни керакли манзилгоҳларга вақтида етказиб бериляпти. Бошқача қилиб айтганда Жавлон Бобоқулов, Тўхтамурод Зиямуҳамедов, Тоҳиржон Сайдолимов сингари ҳайдовчиларнинг ҳалол ва сидқидилдан қилаётган меҳнатлари эвазига ойига 90 миллион сўмлик иш бажарилмоқда.

Шунингдек, корхона маъмурияти транспорт хизмати кўрсатишда ҳам йўловчиларга бир қатор амалий тадбирларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этяпти. Корхонага қарашли 16 та автобус эрталаб ва кечки пайтлар шаҳримиз аҳолиси хизматида бўлмоқда.

— Бундай ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ, — дейди корхона раҳбари Абдуалом Абдуқодиров. — Куни-кеча яна бир янгиликка эга бўлдик. Корхона қошида 37 миллион сўм сарфлаб, барча маркадаги енгил автомашиналарни таъмирловчи кичик корхона битказилиб ишга туширилди. Дастлабки кунларданоқ бу янги корхонамиз бизга катта фойда келтиряпти. Двигатель, мотор, аккумулятор сингари 4 та цехда «Волга», «Жигули», «Москвич», «Запорожец» сингари машиналарнинг қисмларини таъмирдан чиқариш билан бирга, баъзи эҳтиёт қисмлар ҳам тайёрлаш шу ернинг ўзида ўзлаштириб борилмоқда. Салкам бир минг квадрат метр майдонни ўз ичига олган бу кичик корхонада енгил машиналарни созлаш учун барча қулайликлар мавжуд.

Дарвоқе, айни кунларда автокорхонада шиналарни таъмирловчи, машина ювувчи, ёқилғи қабул қилувчи ва тарқатувчи цехлар, ҳайдовчиларга беминнат хизмат кўрсатиладиган маиший хизмат кўрсатиш уйи ва сауна қурилиши бошлаб юборилди. Бу қулайликларнинг барчаси жамоанинг аҳиллиги ва интизомлилиги туфайли барпо бўляпти. Тадбиркорлик билан иш тутилиши туфайли яқин кунлар ичида яна кўплаб режаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Исматулла РУСТАМОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

«Ўзенгилтижоратбанк»ка асос солинди

«ЎЗЕНГИЛСАНОАТ» уюшмаси низомига биноан ҳамда Республика ҳукуматининг мадади билан тармоқ қошида «Ўзенгилтижоратбанк»ига асос солинди. 28 саноат корхонаси таъсис этган бу банкнинг дастлабки низом жамғармаси 1 миллиард 340 миллион сўм-купон этиб белгиланди.

1994 йилнинг 22 апреллидан бошлаб «Ўзенгилтижоратбанк» молия ҳисобкитобларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу банк тижорат мақсадларида кредит берадиган муассаса бўлиб, енгил саноат тармоғи корхоналари, яъни банк ҳаммуассисларига хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

«Ўзенгилтижоратбанк» бошқарувининг раиси этиб Маҳфират Қулматова сайланди.

Толиб НУРМУҲАМЕДОВ.

* *Диққат, янгилик!*

ШОХ-ШАББАЛАРДАН МАҲСУЛОТ

ТАЙЁРЛАЙДИГАН ЗАВОД ИШГА ТУШДИ

● «Ўзқурилишёғоч» саноати бош бошқармасига қарашли корхоналар сони яна биттага кўпайди. Сергели туманида ушбу бошқарманинг қиқиқдан ДСП тайёрлаб чиқарадиган заводи ишга тушди. Янгилик муносабати билан шу корхонада бўлиб, унинг ишлаб чиқариши билан қизиқдик.

— Бундан сал олдинроқ гугурт ишлаб чиқарадиган қўшма корхона тўла фойдаланишга топширилган эди, —дейди бизга бошқарма бошлиғи Аҳмаджон Ҳайитов. — Бугун эса ҳамшаҳарларимизга яна бир қулайлик яратилди. Бундай дейишимизнинг боиси янги корхонамизда чиқариладиган ДСП маҳсулотларининг кўп қисми якка тартибда шахсий уйлар қурилишларига сарфланади.

— Аҳмаджон ака, айтинг-чи, шундай корхонани қуриб ишга тушириш гоясн қандай пайдо бўлди?

— Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари бизни шундай йўл танлашга ундади. Бу хусусда жуда кўп таклифлар режасини ишлаб чиқдик. Охири бундан 4—5 ой олдин ўзимизда яратилган бир ихтирони такомиллаштиришга қарор қилдик. Бу янгиликдан кўзда тутилган мақсад кўча-кўйда қирқиб ташлаб юборилаётган шох-шаббаларни қайта ишлаш ва ниҳоят уларни техника ёрдамида қипиққа айлантириб бу маҳсулотдан ДСП тайёрлаш эди. Шундай қилинса икки томонлама фойда кўриларди. Биринчидан, шох-шаббалар бекорга чиқитга чиқарилмайди. Иккинчидан, улардан унумли фойдаланиш йўлга қўйилади. Шундай қурилма яратилди ҳам. Уни ўрнатиш учун махсус жой ажратилди. Заводимизни маҳсулот билан таъминлаш юзасидан Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг «Ирригация» трести билан шартнома туздик. Шунга биноан трест бизни шаҳардаги дов-дарахтларга ишлов беришда кесиб ташланадиган шох-шаббалар билан таъминлаб турадиган бўлди. Лекин қурилмамиз ўта кучсиз бўлгани учун катта ҳажмдаги ишларни бажара олишга ожизлик қиларди, албатта. Шу боис кўпинча йирик шохларни яхши майдалай олмай «чайнаб» ташларди. Уни такомиллаштиришга тўғри келди. Шундай буюртмани бажариш учун Россиянинг бир неча шаҳарларида, ҳатто чет элларда ҳам бўлдик. Ниҳоят Тверь шаҳридаги машинасозлик корхонасининг мутахассислари жонимизга оро киришди.

— Ҳозирги янги унумдор машина ўша ерда яратилган эканда?

— Худди шундай. Уни тайёрлаш бизга 11 миллион сўмга тушди. Нега бунчалик арзон десангиз ушбу техника у қадар мураккаб жараёнларни ўзида мужассамлаштирмаган. Унинг бир-бирига қарама қарши айланадиган икки тиши (олдингиси бир тишли эди) бор. У тишлар ҳар қандай йўғон дов-дарахтни ҳам, унча-мунча илдизларни ҳам кукунлаб ташлай олади. Энг муҳими бу техника жуда қисқа муддат — уч ой ичида тайёрланиб ишга туширилди. Шундай қилиб шаҳримиз кўчаларида бекорга синиб, атрофни ифлослантириб ётадиган чиқит шох-шаббалар ўз жойини топди.

— Мана шу шох-шаббалардан ҳосил бўлган қиқиқдан тайёрланаётган ДСП маҳсулоти олдингисидан неча баробар арзонга тушаяпти?

— Ҳозир бизда 1 куб қиқиқнинг таннархи 25 минг сўм. Бу Россиядан келтириб тайёрланадиган маҳсулот билан таққослаганда 4 баравар арзон. Янги техника билан 8 соатда 15 куб метр кукун тайёрлаяпмиз. Бу 800 квадрат метр ДСП дегани. Ҳозир корхона қудратини оширишга ҳаракат қиляпмиз. Ана ўшанда заводимиз Тошкент вилоятининг қишлоқ ва туманлари билан ҳам маҳсулот етказиб бериш учун шартнома тузиш имконнятига эга бўлади.

Гапимизни мухтасар қилиб шуни таъкидламоқчимизки қиқиқ заводида ҳаммаси бўлиб, 5—6 киши ишлайди холос. Чунки асосий юмушни техника бажаради. Директор Ринат Куликов, операторлар Аҳмад Болтабоев, Одил Остонқулов, Маднёр Аширбоев, Шарофиддин Абдуллаев — мана янги корхонанинг асосий жамоаси.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

● СУРАТЛАРДА: янги завод фаолиятидан лавҳалар.

Козим Ўлмасов олган суратлар.





Тадбиркорга омад ёр

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ КЎПАЯДИ

ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ташкил этилган «Прогресс» кичик корхонаси уч йилдирки, ўз фаолиятини давом эттириб маҳсулотлар турини ошириб келмоқда.

— Бозор иқтисодиёти туфайли корхонанинг қурилиш дастгоҳлари цехида ишлар бирмунча сусайиб, чиқарилган маҳсулотга талаб умуман йўқола бошлади, — дейди биз билан суҳбатда «Прогресс» кичик корхонасининг раҳбари Михаил Крейсберг. — Ишчилар ва бирлашма раҳбарлари билан маслаҳатлашиб цехда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини ўзгартиришни лозим кўрдик ва мана шу кичик корхонамизни ташкил этдик. Шундан сўнг республикамизнинг турли бурчакларидан келган буюртмачилар биздан фақат қишлоқ хўжалик машиналарингина эмас, балки турли-туман халқ истеъмоли буюмларини ҳам харид қилишадиган бўлишди. Талаб ва таклифлар ўрганилиб, корхона қошида кўргазмали фирма дўконини ҳам очдик. Айни вақтда дўконда шу кичик корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, фермерлар учун зарур дастгоҳлар, уй-рўзғор учун асқотадиган истеъмол буюмлари сотилмоқда. Шунингдек, бу ерда талаб юқори бўлган маҳсулотларга алоҳида буюртмалар ҳам қабул қилинади.



Ҳозирги кунда корхонамизда 60 киши меҳнат қилади. Улар орасида ўз касбининг усталари Ўрол Ҳазратқулов, Юрий Семеничев, Зокир Муҳамедов, Фахриддин Алиевларни учратиш мумкин. Ўзларнинг саъй-ҳаракатлари билан халқ истеъмоли буюмлари турлари кундан-кунга ортиб бормоқда. Биргина биринчи чорак давомида шиша банкаларни бекитадиган янги дастгоҳдан 10 таси тайёрланди. Бундан ташқари шарбат тайёрлаш, маккажўхорини ва ёғочни қайта ишлаш, кичик тегирмон, мармар тошни қайта ишлайдиган дастгоҳларнинг намунавий нусхалари яратилди. Бу маҳсулотлар қишлоқ хўжалик машиналарини тайёрлашдан чиқадиган чиқитлардан ва бошқа хом ашёлардан яратилмоқда.

Ишбилармонлар йил охиригача яна 3—4 хилдаги янги маҳсулот турларини ўз буюртмачиларига етказиб беришни мўлжаллашмоқда. Улар орасида ерёнғоқни автоматик ёрдамида чақиб берадиган дастгоҳ ҳам бор.

Гулзода АБДУЛЛА қизи.

СУРАТДА: кичик корхонада тайёрланган маҳсулотларнинг дастлабки нусхалари.

Козим Улмасов олган сурат.

Меҳнат жамоаларида

«НИҲОЛ» ЙИҒМАЛАРИ

ШАҲРИМИЗДАГИ «Ниҳол» тажриба-синов корхонаси 1987 йил ишга тушган. Орадан кўп вақт ўтганича йўқ. Лекин шунга қарамай, корхонанинг 250 га яқин ишчи ва хизматчилари Республикамизни, қолаверса Ҳамдўстлик Давлатларни керакли тиббиёт ташхис йиғмалари билан имкон даражасида таъминлаб келмоқда. Ҳозирги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган ташхис тест-системалари, ўсма касалликларини бошланишини аниқлаб берадиган йиғма ва бошқа тиббий дори-дармонларга талаб тобора ортиб боряпти.

— Бундан ташқари, — дейди биз билан суҳбатда корхона маркетинг бўлими бошлиғи Фахрия Аюпова, — жамоамиз СПИД касаллигини аниқловчи йиғмалар билан республика тиббиёт муассасаларини тўла таъминлаб турибди. Тиббиёт асбобларини микроблардан тозалашдан олдин ташхис йиғмаси ҳозирги кунда мутахассисларга қўл келмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳозир жамоада 18 хил ташхис йиғмалари ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам корхона баъзан бир қийинчиликларга қарамасдан беморларга аниқ ташхис қўйиш термаларини ишлаб чиқаришни давом эттирмоқда. Биз бунга корхона ишлаб чиқаришини кузатганимизда амин бўлдик. Масалан, яқинда заводда тайёрлана бошлаган дунёда энг ноёб ташхис йиғмалардан ҳисобланган «Альфафетопротоин» фикримизнинг далилидир. Бу тўплам аёллар ҳомиласининг бошланғич пайтида бўлажак фарзанднинг соғ ёки носоғломлигини аниқлаб бериши билан таҳсинга лойиқдир. Ҳозирги кунда жаҳондаги ривожланган мамлакатларда ана шу йиғмадан фойдаланилаётир.

Ҳозир корхонада ишлаб чиқарилаётган энг керакли йиғмалардан яна бири беморларда қанд касаллигини аниқлаш бўйича термадир. Жамоа хом ашёнинг етишмаслигига қарамасдан тиббиёт муассасаларини юқоридаги йиғмалар билан тўла таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Хом ашё топишда ички ва сиртқи имкониятлардан тўла фойдаланилмоқда. Сариқ касаллигини аниқлаш йиғмасини ҳам корхона анчадан бери ишлаб чиқаради. Бу ҳам тиббиёт муассасаларида шу касални вақтида аниқлаш имконини бераяпти.

Корхонада ташхис йиғмалари билан бир қаторда беморлар учун дори-дармонлар ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор берилаяпти. Масалан, жамоа шу йил охиригача симонцин дармон дорисини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Яқин орада гемодез ишлаб чиқариш ҳам корхона режасига киритилган. Айни пайтда мутахассислар ана шу дорининг ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиш мақсадида чет эл фирмалари билан алоқа боғлашган. Агарда республикамизда 90 фоиз дори-дармонлар четдан келтирилаётганини ҳисобга олсак, корхона жамоасининг бу борадаги ҳаракатлари жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги янада аён бўлади.

Ғулом ЮСУПОВ.

ШИРКАТ УСУЛИДА

⊙ ШАҲРИМИЗНИНГ «Белтепа» мавзеси ҳам энига, ҳам бўйига кенгайиб бормоқда. Айни пайтда бу ерда 198 хонадонга мўлжалланган уйда қурилиш-тиклаш ишлари олиб бориляпти. Ширкат усулида қурилаётган ушбу бинода «Тошкентқурилиш» давлат ҳиссадорлик қурилиш корпорациясига қарашли уй-жой қурилиши бунёдкорлари тер тўкишмоқда. Яқинда қурувчилар уйнинг тўртта йўлагини фойдаланишга топширишди. Тўққиз қаватли бу турар жой биноси сифатидан буюртмачи мамнун. Чунки умумий сатҳи 7 минг 129 квадрат метрни ташкил этган уйда қурувчилар асосий эътиборни сифатга қаратишган.

⊙ ШУНИНГДЕК Мухтор Ашрафий кўчасида ҳам беш қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда бунёдкорлик ишларини 1-уйсозлик комбинатининг қурувчилари олиб боришди. Умумий сатҳи 1 минг 711 квадрат метрни ташкил этган бинода пардозлаш ишларини ҳам ушбу комбинат бинокорлари бажаришди.

Ҳозирги кунда бинода 30 хонадон эгаси уй тўйларини нишонлашмоқда.

Ғани ЕСЕНОВ.

Билим масканларида

БУ ЕРДА ХИТОЙ ТИЛИ ЎҚИТИЛАДИ

МАЪЛУМКИ, Хитой Халқ Республикаси республикамиз билан азалдан, тинч-тотув дўстона борди-келди қилади. Ўзаро яқинлик турли соҳаларни ўз ичига қамраб олиб, унда асосий вазифани, табиийки, тил ўйнайди. Шу муносабат билан 1956 йилда шаҳримиздаги 59-мактаб хитой тилини ўргатишга ихтисослаштирилган эди. Мана салкам қирқ йилдирки бу ерда хитой тили намунали ўқитилиб келинади.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, хорижий тилларга, хусусан хитой тилини ўқитишга бўлган эътибор кучайтирилди. Бу борада талайгина тадбирлар белгиланди. Айниқса, бевосита Хитой Халқ Республикаси билан таълим-тарбия соҳасида иш олиб борилиб, бу борада алоқалар янада ривожлантирилмоқда.

— Хитой Халқ Республикаси билан алоқаларимиз, мамлакатимиз мустақил бўлгандан кейин янада кучайди, —дейди шу мактаб директори Санобар Камолова. — Ҳар йили мактабимизни битирган ўқувчиларнинг 50 нафари Жаҳон тиллари университети, Шарқшунослик институти каби олий ўқув юртларига борардилар. Ўтган ўқув йилидан эса бизнинг 2 нафар ўқувчимиз Пекин Тиллар ўргатиш институтида таҳсил олмоқдалар. Ўзингизга маълумки, Хитой мамлакатимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган ва Ўзбекистонда ўз элчихонасини очган. Мазкур элчихона ходимлари ҳам мактабимиз билан яқиндан алоқа қилиб, тез-тез бу ерга келиб туришади. Байрамлар, тантаналли кунларда биргаликда турли хил тадбирлар ўтказамиз. Бундан ташқари улар мактабимизда хитой тилини янада яхшироқ ўқитиш мақсадида дарсликлар, ўқув қўлланмалари каби моддий ва маънавий томондан бизга ёрдам бермоқдалар...

Ҳар йили ўқувчилар ўртасида хитой тили бўйича ўтказиладиган республика олимпиадасида мазкур мактаб ўқувчилари юқори натижаларга эришади. Бу йил ҳам икки нафар ўқувчи — Дурдона Аҳмедова ҳамда Абдулла Муҳаммаджоновлар фахрли биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Мактабда фақатгина тил ўрганилмай, шу билан бирга хитой халқининг маданияти, санъати, турмуш тарзи ҳам чуқур ўргатилади. Шу мақсадда мактабда музей ҳам ташкил қилинган. Ундаги экспонатлар кўргазмали воситаларни ўқувчилар ўз ўқитувчилари билан биргаликда тўплаганлар. Ҳафтанинг тўртинчи, яъни пайшанба куни мактабда ҳамма хитой тилида сўзлашади. Бундан ташқари ўқувчилар байрамларда хитой қўшиқларини, рақсларини ижро этадилар.

— Ҳозирги пайтда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар фақатгина сиёсий ва иқтисодий соҳаларда эмас, балки барча соҳаларда ривожланмоқда. Шулар қатори икки давлат болалари ҳам хат орқали бир-бирларидан воқиф бўлмоқдалар, — дейди ўз сўзида директор Санобар Камолова. — Ўқувчиларимиз шу кунгача Хитойнинг иккита мактаби билан хат ёзишмоқда. Булар Шинжон уйғур мухтор вилоятидаги 17 ҳамда Жанубий Хитойдаги 131-мактабларнинг ўқувчиларидир.

Улар ўзаро фикр алмашиб нафақат тил ўрганадилар, балки турли дунёвий фанлар бўйича ҳам билимларини оширадилар.

Назира СОДИҚОВА.

Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари олдидан

ОҒА-ИНИ ХАЛҚЛАР БАЙРАМИ

БАРЧАМИЗГА маълумки, шу йилнинг 23—27 май кунлари Ўзбекистонимизда қардош Қозоғистон кунлари бўлиб ўтади. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Эркин Ҳайитбоев бошчилигидаги ишчи гуруҳи Алматидан қайтиб келди. Мухбиримиз шу гуруҳ аъзоси, маданият ишлари вазирлиги санъат бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Ёқубовга бир нечта саволлар билан мурожаат қилди.

— Бахтиёр Раҳимович, серқуёш юртимизга ташриф буюрадиган қозоғистонлик ижодий жамоалар билан таништирсангиз...

— Ушбу байрам, шубҳасиз, икки қардош халқлар дўстлиги саҳифасида энг ёрқин саҳифалардан бири бўлиб қолади. Сабаби биз қозоғистонлик сўз ва саҳна санъаткорлари билангина эмас, балки бутун республиканинг қайноқ ҳаёти билан таништамиз. Қозоғистон кунлари иштирокчилари орасида Татимбет номидаги халқ чолғу асбоблари оркестри, «Олтиной» давлат рақс дастаси, уйғур «Наво» рақс дастаси, «Арай» гуруҳи (бу гуруҳда Қозоғистон халқ артисти Роза Римбоева қатнашади), «Жазира» дастаси ва Қозоғистон халқ артисти Н. Нусипжанов, «Қозоқконцерт»нинг етакчи яккахонлари бор. Умуман қардошларимиз байрамида жами 500 киши иштирок этиши кўзда тутилган.

— Тошкентлик санъат мухлислари Мухтор Авезов номидаги қозоқ давлат драма театри артистларини, уларнинг маҳоратларини, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театримиз ижодий жамоаси билан ҳамкорлигини яхши билишади. Шунингдек Абай номидаги опера ва балет театри артистлари ҳам шаҳримизга ташриф буюришиб, ўзлари ҳақида қайноқ хотиралар қолдиришган. Улар ҳам ташриф буюришадими?

— Шаҳримизга Абай номидаги опера ва балет театрининг етакчи яккахонлари А. Днишев, Н. Усанбоева, М. Шалабоев, Г. Есимов, Ж. Баскакова, Г. Тутқибоева, Б. Смагулов ва бошқа таниқли ижрочилар келишади. Авезов номидаги театр артистлари бу сафар ҳам ўзларига қадрдон бўлиб қолган Ҳамза театри саҳнасида томошалар кўрсатади. Қозоғистон кунлари ниҳоясига етгач эса Тошкентда яна икки ҳафта қолиб, ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатадилар.

Қозоғистон кунлари мамлакатимизда шунчаки қардошлар маданияти, маънавияти, илм-фан ютуқлари билан танишишдан иборат бўлмайди. Ушбу тадбир тили бир, дили бир, тарихи бир, ниятлари муштарак биродарларнинг жипслигини, қардошлигини яна бир бор тасдиқлаши билан характерланади. Шу сабабли ҳам ушбу кунларга биз ҳам, қозоғистонлик биродарларимиз ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдамиз.

Ишчи гуруҳи Алматидан қайтиб келиши биланоқ турли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда йиғилиш ўтказдик, муҳим масалаларни пухта, ҳар томонлама мукаммал ҳал этишни муҳокама қилдик.

— Қозоғистон кунларини ўтказиш бўйича штаб ҳам тузиладими? Иқтисодий, ижтимоий масалалар ҳам четда қолмаса керак...

— Албатта. Вақтдан унумли фойдаланиш учун тиғиз иш олиб боряпмиз. Байрамона дийдорлашувлар билан бир қаторда тегишли вазирликлар, идоралар, фирмаларнинг тадбиркорлари билан ҳам учрашувлар бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, бунда ҳамкорлик борасидаги шартномалар тузилади, икки давлат иқтисодий алоқалари янада мустаҳкамланади. Буни давр тақозо қиляпти.

— Қозоғистон кунларининг очилиши қандай бўлади?

— Тантанали очилиш маросими 23 май куни «Туркистон» саройида бўлади. Пойтахтимиздаги энг яхши театрлар, кўргазмалар, концерт заллари бир ҳафта мобайнида меҳмонлар ихтиёрига берилади.

— Меҳмонлар вилоятларга ҳам ташриф буюришадими?

— Азиз меҳмонларимиз Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Сирдарё ва бошқа вилоятларга ташриф буюришади. Хуллас, бутун юртимизда бир ҳафта қардошлик қўшиқлари янграйди.

Толиб САЪДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

Атроф-муҳит мусаффолиги учун

ШАҲРИМИЗ ҲУСНИГА ДОҒ ТУШМАСИН

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида қабул қилган қарорига кўра Тошкент шаҳар ҳокимлиги пойтахтимиздаги ҳар бир туманда штаблар ташкил этди. Бундан кўзланган асосий мақсад маҳалла ва мавзелар санитария аҳволини яхшилаш, чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилишига эришиш, бозорларда савдо қилинаётган турли таомларнинг санитария назоратидан ўтишини таъминлаш ва бошқа вазифаларни ҳал этишдир. Айни пайтда шаҳар ва туман санитария-эпидемиология станцияси ходимлари ҳокимликларнинг вакиллари билан биргаликда текширувлар уюштириб, нуқсонларни видеотасвирга туширмоқдалар. Текширув натижалари эса штаб йиғилишларида муҳокама қилиниб, камчиликларга йўл қўйган ташкилот, муассаса ва идораларнинг мутасадди раҳбарларига жазо берилмоқда.

Шаҳримиз ҳавоси тоза, суви ширин, қуёши нурли, табиати гўзалдир. Шундай экан, уни асраб-авайлаш, атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш ҳам қарз, ҳам фарз. Пойтахтимиз марказидаги Мустақиллик ва Навоий театри майдонлари, Ўзбекистон миллий боғи, Санъат саройи, Амир Темур ҳиёбони ва бошқа жойлар кўздан кечирилганда кўкаламзорлаштириш ва ободончилик ишлари қўнгилдагидек олиб борилаётгани маълум бўлди. Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган ихтисослаштирилган ободонлаштириш бошқармаси жамоаси марказий ҳиёбонлар ва кўчаларни саранжом-саришта, мусаффо сақлаш учун бор имкониятларни ишга солаётгани яққол кўриниб турибди.

Тошкент агрегат заводи ётоқхонаси атрофидаги озодагарчилик ҳам кишининг дилини равшан қилади. Теварак-атрофга мевали дарахтлар экилган, спорт майдончаси тартибга келтирилган. Шунингдек, Чилонзор туманидаги «Олмазор» маҳалласи, Мирзо Улуғбек туманидаги Октябрь 40 йиллиги маҳалласи, шаҳримизнинг шундай биқинига жойлашган Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалиги биқинига ўтказилган турли хил мевали дарахтлар қийғос гуллаб, яшнаб турибди. Булардан ҳар қанча ибрат олса арзийди.

Афсуски, шаҳримизнинг барча турар жойларида ҳам бундай ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлмайсиз. Рейд давомида Акмал Икромов тумани ҳудудидаги «Фарҳод» бозорида хонадонларда тайёрлаб сотилаётган турли хил таомлар санитария кўригидан ўтказилмагани маълум бўлди. Сотувчиларнинг кўпчилигида тиббиёт дафтарчалари, махсус кийимлар йўқ. Гўшт маҳсулотларини тайёрлашда технологик жараёнларнинг бузилиши, атрофлари очиқ, қўл ювиш шароити бўлмаган жойда савдо қилинаётгани турли хил юқумли ошқозон ичак касалликлари салмонеллез, ичбуруғи, вирусли гепатит, ич терлама ва бошқа хасталикларни олиб келиши мумкин.

Ушбу тумандаги 56-уй-жойлардан фойдаланиш корхонасига қарашли 58-кўп қаватли бинонинг 44, 45, 54-хонадонларига кириб бўлмайди. Сабаби, кўп йиллардан бери ўтаётган чакка оқибатида деворлар, уйнинг шифтлари моғорлаб кетган, электр розеткалар ишдан чиққан, юқори қаватларга совуқ сув умуман чиқмайди, ҳожатхонадан фойдаланиб бўлмайди.

Пойтахтимиздаги «Катта Қаъни» маҳалласининг Шодлик, Нурилла Саидов кўчаларида ўтган йилдан бери чиқиндилар олиб кетилмайди. Шунингдек, Бўзсув канали атрофида ҳам ахлат уюмлари тўпланиб қолган. Бу эса сувнинг ифлосланишига олиб келмоқда. Юсуф Саккокий кўчасидаги 500 метрга яқин жой ташландиқ аҳволга келиб қолган.

Шайхонтоҳур туманидаги Олмазор кўчасида жойлашган 75-уйнинг олдига қурилишдан чиққан шифер синиқлари, бетон ва бошқа ашёлар тўкиб ташланган. Уларни олиб кетиш эса ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Бундай ҳунук манзаранинг сабабчиси 3-соғлаш-қурилиш бошқармаси жамоаси эканлиги маълум бўлди.

Шаҳримизнинг «Олмазор» даҳасида жойлашган 10, 11-уйларнинг ертўлаларида таъмирлаш ишлари бажарилмаганлиги туфайли сув босган. Бунинг натижасида бу ерларда чивин кескин кўпайиши кузатилмоқда. Ҳамза туманидаги Шумилов шаҳарчасида жойлашган эски бозор атрофини чиқиндихонага айлантирилганига ҳам чидаш қийин. Фигельский, Воровский, Пойариқ, Оқдарё кўчаларидаги аҳвол ҳам бундан қолишмайди. Октябрь 10 йиллиги кўчасида жойлашган 10-болалар боғчаси яқинидаги чиқиндилар олинмайди. Бундай манзарани Юнусобод даҳасидаги 259, 260-мактаблар, шунингдек 9-кўп қаватли уйлар атрофида ҳам кузатиш мумкин.

Кўриниб турибдики, шаҳримизни гўзал ва кўркам, кўкаламзор, санитария талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳолга келтириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Ўйлаймизки, бундай масъулиятли вазифага мутасадди бўлган ўртоқлар юқорида айтиб ўтилган камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб оладилар. Зеро, маҳалла ва мавзеларда озодагарчиликка риоя қилинмас экан, аҳоли ўртасида турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш амри маҳол. Буни асло унутмаслигимиз зарур.

Уйғур ШОРИХСИЕВ, Саъдулла ШОДИЕВ.

Деҳқон бозорларида

«БЕШЁҒОЧ» ҲАМ ЁШАРЯПТИ

Кейинги бир-икки йил ичида Тошкентдаги деҳқон бозорлари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Шаҳар марказида жойлашган «Бешёғоч» деҳқон бозори ҳам бугун ўзининг иккинчи ёшлигини бошидан кечирмоқда, дейиш мумкин.

— «Бешёғоч» Тошкентдаги энг қадимий бозорлардан ҳисобланади, — дейди унинг директори Ботир Валиев. — Биз бу ердан халқимизнинг суюкли ёзувчиси Абдулла Қодирий, аллома мусиқашунос Юсуф Ражабий, атоқли шоир Ғафур Ғулом бозор-ўчар қилганларидан фахрланамиз. Ўша вақтларда тошкиклар ва пойтахт меҳмонлари асосан «Эски Жўва» билан «Бешёғоч»да бозор қилишарди. Ҳозирги «Фарҳод» бозори ҳам «Бешёғоч»нинг бир шохобчаси эди. «Бешёғоч»нинг шаҳардаги бошқа бозорларнинг ҳам ташкил этилишида ўз ҳиссаси бўлган.

Бугунги кунда ҳам биз «Олой», «Сирғали», «Фарҳод» бозорлари билан яқиндан алоқа қилиб турибмиз. Масалан, қайси бир бозорда ортиқча маҳсулот тўпланиб қолса, бошқаларига тарқатилади.

«Бешёғоч»га асосан Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл туманлари деҳқонлари йил давомида етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб келишади. Гоҳида қайсидир тур маҳсулот кўпайиб кетса, уларни дарҳол шохобчаларимизга юборамиз. Метронинг «Чилонзор», «Ҳамза» бекати, «Қатортол» кўчаси, Чилонзорнинг 19-кварталида ҳамда Фарҳод кўчасида «Бешёғоч»нинг жами 5 та шохобчаси бор. Бозор таркибида савдо-харид корхонаси ҳам очилган. Бу корхона Зайниддин Фахриддинов лимонарийси, Шредер номидаги боғдорчилик институти, «Маданият» жамоа хўжалиги, Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда Тошкент вилоятларидаги жамоа хўжаликлари билан шартномалар тузган. Ана шу ҳамкорлик натижасида бозордаги нарх-наволарни 20—30 фоиз арзонлаштиришга муваффақ бўлишяпти.

— Деҳқонлар учун бозорда қандай шароитлар яратилган, — сўраймиз директордан.

— Автобекатга етиб келган деҳқонларнинг юкларини ташиб келтириш учун 1 та автокара, 5 та аравамиз бор. Бозорда сотувчилар тарози, фартук, қулай жой билан таъминланади. Маҳсулотлар сақлаш учун 20 тонналик омборхонамиз бор. Деҳқонларнинг кўпчилиги кечга яқин маҳсулотларини омборларга топширадилар-да, уйга қайтадилар. Эртасига келиб яна бозорларини давом эттиравердилар. Деҳқонларга керак бўлса уларни пичоқ, табуретка ва бошқа нарсалар билан ҳам таъминлаймиз. Ўрни келганда шаҳар йўловчи транспорти мутасаддиларига бир таклифни билдирмоқчимиз. Агар бозоримиз ёнидан ўтадиган 12-троллейбуснинг қатнов йўлини бироз ўзгартириб, уни «Халқлар дўстлиги» метро бекатидан қайилтирмай, Хадра томонга йўналтириб юборсак жуда соз бўларди. Чунки 32-автобус бу йўлни яқин қила олмаяпти. Қолаверса аҳолининг кўпчилик қисми электр транспортига ўрганиб қолган.

«Бешёғоч»да «Шарқ» агрофирмаси дўкони, шахсий гўшт растаси, 26 та дўкон, шу жумладан уруғлик сотадиган дўкон бор. Бизда асосан мева-сабзавотлар, кўкатлар сархил бўлади. Қаймоқ, тухум, сут бўлимларида ҳам янги маҳсулотларни харид қилиш мумкин.

— Бугунги кунда «Бешёғоч»да қурилиш ишлари авж олдириб юборилибди...

— Ҳа, Чилонзор тумани ҳокимлиги кўмагида катта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозир қурилган икки қаватли бинонинг тепасида дўконлар, остида ҳунармандлар устахоналари бўлади. Бир қаватли биноларда эса турли хил дўконлар, ўртада қуруқ мевалар сотиладиган расталар бўлиши мўлжалланган. Бажарадиган юмушларимиз кўп. Бунинг учун маблағларимиз етарли.

Яқин икки ой ичида режаланган қурилиш ишларини тугалламоқчимиз. Айтгандек «Бешёғоч» бозори дарвозасини ҳам янгилаймиз. Унинг лойиҳаси устида рассом, нақкош, меъморлар иш олиб боряпти. Ёзнинг ойи ўрталарида «Бешёғоч»га келган киши бозорни танимай қолса керак.

Зоир ТУРСУНОВ.

СУРАТЛАРДА: «Бешёғоч» бозорига кираверишда; бозор директори Ботир Валиев қурувчилар билан бунёд этилаётган савдо расталари лойиҳаси ҳақида фикрлашмоқда.

Малик Нуриддинов олган суратлар.

Ўзбекистон ва жаҳон

ЎРГАНСА АРЗИЙДИГАН ДАСТУР

Энди дастурнинг моҳияти ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтсак. У жуда кенг ва муфассал ишлаб чиқилган бўлиб, барча соҳадаги мутахассислар, корхона, ташкилот, муассасалар, таълим тизими, ҳатто черковларни ўзига қамраб олган. Энг муҳими ОИТС ва гиёвандликнинг олдини олиш мақсадида айниқса ёшлар ўртасида тарғибот масалаларига катта аҳамият бериларкан. Масалан, мактаб, коллежларда ўқувчи-талабалар орасидан мактаб, коллеж, институтлар, орасида фаоллар чиқиб қуруқ маърузалар эмас балки юқоридаги иллатлардан сақланиш ва унинг олдини олиш, унга қарши кураш руҳидаги қизиқарли концертлар, томошалар ташкил қилишади. Бу эса ўз навбатида ёшлар руҳиятига жуда ижобий таъсир этади. Дастурнинг иқтисодий ҳимоя томони ҳам жуда кучли экан. Айниқса Атланта шаҳрига борганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. У ерда «Қўли очиқ» хайрия ташкилоти фаолият кўрсатади. Ва кўнгиллилар ОИТС хасталигига чалиниб ногирон бўлиб қолганларга 2 маҳал иссиқ овқат тайёрлаб ўз машиналарида ҳар куни 5—10 кишининг уйига элтиб беришади. Биз ҳам иссиқ овқатларнинг 16 та манзилга тарқатилишида бевосита иштирок этдик. Америкаликларда ватанпарварлик руҳи кучли бўлиб, улар орасида хайрия ишларига катта аҳамият бериб, вақтини аямай шуғулланадиганлар кўп экан. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, дастурга ажратилган маблағнинг бир қисми илмий йўналишлар, ишланмалар соҳасига тадбиқ этиларкан.

— Ўқув давомида АҚШнинг қайси шаҳарларида бўлдингиз?

— Вашингтонда 8 кун бўлдик. У ерда «Халқаро ташриф буюрувчилар» маркази бўлиб, бошқа шаҳарларда унинг бўлимлари бор. Уларнинг қабулида бўлдик. Дастурни тузишда қатнашган олимлар уни амалга оширувчилар билан учрашдик, дастурга жалб қилинган илмий-текшириш институтлари, таълимни ривожлантириш академиясида бўлиб иш жараёни билан танишдик. Сан-Франциско, Лос Анжелес, Атланта шаҳарларида бўлдик. Феликс шаҳридаги энг янги русумдаги телефонлар, видеомагнитофонлар ишлаб чиқариладиган «Моторолла» заводига бориб ишчи-хизматчилар орасида тарғибот ҳамда ижтимоий ҳимоя ва касалликларнинг олдини олиш ишлари қандай йўлга қўйилганлиги билан танишдик. Дастур фаоллари билан суҳбатлар ўтказдик. Айниқса Арканзас штатидаги АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг она шаҳри Хотс-Спрингсга ташрифимиз таассуротлари бир умрга ёдимиздан чиқмайди. У ерда Клинтоннинг холаваччасиникида меҳмонда бўлдик. Президентнинг ўгай отаси, холаваччасига юртимиз тўғрисида ўкиётган китоблар, журналлар, дўппи ва ўзбек миллий буюмларини совға қилдик. Мустақил Ўзбекистон ҳаёти ҳақида гапириб бердик. Хотсс-Спрингсдаги катта маблағларни қайта тиклаш (реабилитация) марказида бўлдик. Бу ердаги фаолиятнинг ибратомуз томони — ҳар бир хаста билан алоҳида ногирон бўлиб қолганларни ўз Касаллик натижасида ногирон бўлиб қолганларни ўз ишига ёҳуд бошқа соҳа учун ишга тайёрлаб, шу йўл билан уларни тўлақонли ижтимоий ҳаётга қайтариш уларнинг бош вазифалари экан. Масалан, даволаш жараёнида кишиларни сартарошлик, косиблик, электроника билан ишлашга ўргатишади. Бу борада жисмоний, физиотерапия, психологик реабилитация усулларидан фойдаланишади. Хотс-Спрингс шаҳрида, шунингдек колежда ҳам бўлдик. Бу ерда талабаларнинг «Ғурур» ташкилоти бор экан. Ташкилот қатнашчилари касалликларнинг олдини олиш, ёшларни гиёвандликдан сақлаш мақсадида концертлар, ўйин-кулгилар воситасидан фойдаланишар, ўзлари ишлаб чиқарган нарсалар ва концертлардан тушган даромад ҳисобига турли хил китобчалар чиқаришар экан. Хуллас, борган барча жойларимизда унутилмас, ҳаяжонларга бой учрашувлар бўлди, амалга ошираётган ишлари билан таништиришди.

— Халқаро ўқув якунлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ўқиш сўнгида уни битирганлик ҳақида сертификат топширишди ва муҳокамалар ўтказилиб дастурга ким қандай баҳо беради, қандай таклифлар бўлади, ўз давлатингизда уни амалга ошириш мумкинми? қабилидаги саволлар беришди. Кўпчилик қаторида мен ҳам ўз фикрларимни билдирдим. Ва бизда дастурни АҚШда қабул қилинганидек қўллаб бўлмаслиги, уни мамлакатимиз урф-одатлари ва турмуш шароитларидан келиб чиқкан ҳолда мослаштириш лозимлигини айтдим. Сўнг Республикамизда амалга оширилаётган ишлар, хусусан «Соғлом авлод учун» дастури ҳақида сўзлаб бердим. Ҳеч муболағасиз, америкаликлар бизнинг дастуримизга жуда қойил қолишди.

Дарҳақиқат, АҚШда ишлаб чиқилган дастурнинг ўрганса арзийдиган томонлари кўп экан. Гиёвандликка қарши кураш, ижтимоий ҳимоя, тарғибот ишларини намунали йўлга қўйиш шулар жумласидандир. Бироқ биз уларнинг тажрибаларини ривожлантириб, мукаммаллаштириб Республикамизда қўллашимиз мумкин. Фикримча «Соғлом авлод учун» дастуримизни АҚШ дастуридаги ижобий томонлар — гиёвандлик, ОИТСнинг олдини олиш бўйича илғор тажрибалар билан бойитиш, мактабларда тарғибот ишларига кўпроқ аҳамият бериш керак. Ана ўшандагина келажак авлодимизнинг янада баркамол ва соғлом ўсишига эришамиз.

Суҳбатдош Дилшод ИСРОИЛОВ.

⊙ Юртимиз истиқлолга эришганидан бошлаб ўтган вақт тарих силсиласида мисли бир яшин чақнаши янглиғ муддат бўлса-да, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлар асрларга татигулик. Жаҳондаги етакчи давлатлар раҳбарларининг юртимизга ташрифи, ўзбек тупроғида ўтказилаётган турли оламшумул халқаро анжуманлар шулар жумласидандир. Ўз навбатида ўзбекистонлик олимлар, фан ва давлат арбоблари ҳам хорижий ўлкаларда бўлиб, у ердаги ҳар хил соҳалардаги ижобий тажрибалар, замонавий янгиликларни юртимизга тадбиқ этиш мақсадида ўрганиб қайтмоқдалар. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўсмирлар бошқармасининг бошлиғи, вазирликнинг бош руҳиётшунос мутахассиси Фозил Ҳасанов Шимолий Америкадаги АҚШ ахборот агентлиги ташкилотининг таклифига биноан гиёвандлик ва ОИТС (СПИД) касаллигининг олдини олиш, хасталарни реабилитация қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари бўйича ташкил этилган махсус халқаро ўқувдан қайтди. Биз Ф. Ҳасанов билан учрашиб ушбу халқаро тадбирнинг мақсади, сафар таассуротлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

— Фозил Назирович, АҚШдаги мазкур халқаро ўқув қандай мақсадларни кўзлаб ташкил қилинганлиги, унинг моҳияти нимада ва Ўзбекистон учун нечоғлик аҳамиятга эгалиги ҳақида гапириб берсангиз.

— Авваламбор шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, АҚШда гиёвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш, касалларни қайта тиклаш, уларни ижтимоий муҳофазага олиш ишлари бўйича комплекс дастур мавжуд экан. Ишлаб чиқилганига кўп йиллар бўлган ушбу дастур АҚШда кенг жорий этилган. Эътиборга молик томони, дастур халқаро аҳамиятга эга бўлиб турли миллатларнинг бир-бирларини яхши тушунишларига интилиш, мамлакатлар ўртасида таълим ва маданий алоқаларни яхшилаш, чунончи, Америка Қўшма Штатларидаги ва жаҳондаги бошқа давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтириш, жамиятдаги турли иллатларга қарши биргаликда курашиш унинг асосий мақсадидир.

АҚШ ахборот агентлигининг таклифи билан ва унинг ҳомийлигида ташкил этилган ўқувга Европадан Чехия, Осиё, Африка ва араб давлатларидан Тринидад, Панама, ЖАР, Исроил, Бангладеш, Непал, Таиланд, Ливан, Бахрайн, Бирма, Миср, Съерра-Леоне, Гаитидан соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳа мутахассислари, раҳбар ходимлар таклиф қилинди. Собиқ Иттифоқ Республикаларидан эса камина ва Эстония Соғлиқни сақлаш вазирлигидан вакил иштирок этди.

2-Тошкент давлат тиббиёт институти қошидаги тиббиёт билим юртида бўлажак ҳамширалар ҳар томонлама пухта билим олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Фанлар ўқитиладиган хоналар зарур кўргазмали воситалар билан таъминланган бўлиб, машғулотлар улар ёрдамида олиб борилади.

СУРАТДА: билим юртининг анатомия ўқитувчиси Саодат Нуриддинова (ўртада) талабалар билан навбатдаги дарс пайтида.

Козим Улмасов олган сурат.

** Нуқтаи назар*

ХОРАЗМИЙ ДАҲОСИ

ТАРИХЧИЛАРНИНГ фикрича, ўнли саноқ тизими эрамизнинг тахминан VI асрида Ҳиндистонда вужудга келган. Ҳиндлардан арабларга ўтган. Европага эса X—XII асрларда тарқаган. Нима учун Ҳиндистонда кашф қилинган рақамлар кўпинча араб рақамлари дейилади? Ана шу муаммоли саволларнинг ечими айни бизнинг тарихимизга тақалади. Мактабда ўзбек халқининг буюк фарзанди Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг табиий фанларга, хусусан математика, астрономия ва география фанларининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлигини чуқурроқ ўргатиш жоиз. Дунё олимлари Хоразмийни «ҳамма замонларнинг буюк математиги» деб аташади. Зеро, унинг асарлари ўрта аср Шарқидагина эмас, балки Ғарбда ҳам математикадан асосий қўлланма ҳисобланган. «Ал-жабр вал-муқобала амалларидан қисқача китоб» номли асари ҳозирги замон алгебрасининг асосидир. Ал-Хоразмий дастлабки маълумотни ўз оиласида, кейин эса ўша даврнинг илмий марказларидан бири — араб ҳалифалигининг маркази Бағдодда олган. Бағдодда «Байтулҳикма» («Донишмандлар уйи») бўлиб, унинг қошида бой кутубхона ва расадхона ўрин олган. «Байтулҳикма»да бутун араб ҳалифалигидан жалб этилган таниқли олимлар ишлашган. Улар орасида Аҳмад ал-Фарғоний ҳам бўлган. Хоразмий Бағдодга келгач, юнон олимлари Евклид, Архимед ва Аполлонийлар ҳамда ҳинд фалакшуносларининг асарларини ўрганади, ўзи ҳам асарлар ёзади.

Олимга биринчи шон-шуҳратни унинг «Ҳинд ҳисоби ҳақида» деган рисоласи келтирди. Худди шу китобда бугунги кунда бутун инсоннят қўллаётган саноқ тизими, яъни 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 асосида позицион саноқ системасига асос солинди. Бу рисола бутун сонлар билан арифметик ҳисоблашларга ўнли позицион системанинг тадбиқи ҳақидаги биринчи қўлланма эди.

Хоразмийнинг мазкур асари Европада ҳам жуда кенг тарқалган. Бунинг сабаби, унинг ёрдамида ҳисоблашнинг қулайлигида. Қадимги Ҳиндистон математиклари ишларини яхлит илмий асослаб берган Ал-Хоразмийнинг ушбу рисоласи шу тариқа сонлар ҳақидаги тасаввурни бутунлай ўзгартириб юборди. Тўғри, уларнинг дастлабки ёзилиши ҳозирги ёзилишидан анча фарқ қилади Рақамларнинг ҳозирги кўринишидаги китоб босиб чиқариш кашф қилинганидан кейин XV асрда қарор топди. Ал-Хоразмийнинг китоби уч юз йил кейин, яъни XII асрда лотин тилига таржима қилинди ва бу китоб бутун Европа халқи учун арифметикадан биринчи дарслик бўлиб қолди. Шу ўринда ўрта асрларда араб дунёсининг ҳам фан учун хизматларини таъкидлаб ўтиш керак. Араблар фаннинг муҳимлигини тушунар эдилар, шу боисдан Греция, Ҳиндистон, Марказий Осиё олимларининг асарларини ўз тилларига таржима қилишар, ўрганишар ва тўплашар эди. Шунинг учун бўлса керак, Ал-Хоразмий асаридаги сонлар гоҳ ҳинд рақамлари, гоҳ араб рақамлари ҳам деб юритилади.

Биз қадимги арифметика ютуқларини жамлаб, уни илмий асослаб, келгуси авлодларга ўчмас из қолдирган бобомиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий билан сўзсиз фахрланишимиз керак. Ҳеч бир халқда учта таянч фан: алгебра, сонлар, алгоритмга асос солиб берган аллома бўлмаса керак. Дунёга машҳур математиклнинг хизматларини қадрлаш маданиятимиз, аждодларга ҳурматимизнинг бир бўлаги ҳисобланади. Шу боис менинг таклифларим ҳам йўқ эмас. Россияда Ломоносов номи билан боғлиқ университет нашрларида унинг сурати албатта нақшинкор, нишонга ўхшатиб чоп этилади. Хўш, нима учун ўзбек математика дарсликларида ҳам бир хил дарсликнинг биринчи бетида Ал-Хоразмий тасвирини тушириш мумкин эмас. Ахир у бунга мутлақо лойиқ-ку. Худди шу гап тиббиётга оид адабиётларда Абу Али ибн Сино, физика дарсликларида Ал-Беруний тарих ва меъморчиликда Амир Темурга ҳам тегишли. Тошкентдек шаҳри азимда Чилонзордаги Шуҳрат дўкони яқинидаги Ал-Хоразмий ҳайкалини ҳам қайта таъмирлаш вақти келди. Бизнингча, ушбу ҳайкалнинг жойи аллома номи билан юритилувчи Ал-Хоразмий мавзесидаги «Алгоритм» заводининг асосий биноси олдидаги катта майдондир.

Бахтиёр КАРИМОВ,
олий тоифали математика муаллими.

** Бугун—Халқаро музейлар куни*

ҲАЛҚ САНЪАТИ ХАЗИНАСИ

ЎЗБЕК халқи жуда қадим замонлардан бери жаҳон маданияти хазинасига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб, сўнмас ёдгорликлар яратиб қолдирган.

Республикамизнинг қадимий шаҳарларида бўлган киши, аждодларимиз ақл-заковати ва меҳнати билан бунёд этилган, неча-неча асрлардан бери ўз сайқалини йўқотмай келаётган улкан минора-ю мадраса, мақбара-ю масжидларни кўриб усталарнинг заргарона маҳоратига тасанно ўқийди.

Асрлар давомида сақланиб келинаётган халқимиз ўтмиши ва маданиятининг жонли гувоҳи бўлган бу нодир обидалар ўзбек халқи усталарининг ижодий мероси бўлиб, биз учун қимматли тарихий манба ва ёдгорлик ҳисобланади.

Қадимий Тошкентимизда ҳам ўзбек меъморчилигида ўзининг қурилиш услуби, зийнати ва мустаҳкамлиги билан ажралиб турадиган бир қанча мадраса, масжид ва саройлардан ташқари, асримизнинг бошларида қурилган, нақшинкор қилиб безатилган айрим бинолар ҳам бор. Бугунги кунда республика халқ амалий санъати музейи жойлашган бино ана шулардан биридир. Бу ҳашаматли бино бундан 90 йил илгари (1903) қурилган бўлиб, 1896 йили Петербургдан Тошкентга келган чор Россияси ички ишлар вазирлигининг русларни Урта Осиё ва Кавказорти ерларига кўчириб жойлаштириш ишлари бўйича махсус ва махфий чиновниги, полковник А. А. Половцевга тегишли бўлган.

Бу бино XIX аср охири меъморчилик-декоратив санъатининг энг ёрқин намунаси бўлиб, Европа типида режалаштирилган бу қасрни қуришда рус меъморларидан А. Бумейстер, Г. Сваричевский, И. Маркевич, маҳаллий халқ усталаридан, тошкентлик машҳур ганчкор-ўймакор уста Тошпўлат Арслонқулов (1882—1962), буюк князь Н. К. Романов саройи, Туркистон генерал-губернаторининг қароргоҳи — оқ уйни безашда қатнашган, Тошкент наққошлик мактабининг йирик вакили Олимжон Қосимжонов (1878—1992), бухоролик машҳур уста Ширин Муродов (1879—1957), шунингдек қадимий Самарқанд, Хива, Қўқон, Риштон ва Хўжанд шаҳарларидан ҳам тажрибали усталар қурилиш ишларида актив қатнашганлар. Бинонинг айрим хоналарини европача услубларини ҳунар билим юртининг собиқ ўқитувчиси чех Лацио моҳирона бажарган.

Бинога зарур бўлган қурилиш материаллари — пишиқ ғишт Тошкентдан, сержило кошинлар Қўқон ва Риштондан, ганч Бухоро амирлигига қарашли Карманадан келтирилган. Самарқанд чинорлари устун ва эшикларга жуда қўл келган. Чинор дарахтининг энг сифатли жойига «ислимий» ва «бағдодий» услубида ўйма нақшлар солинган. Чинор ёрилмаган ва жуда кўп вақтларгача чиримаган. Бинонинг хона деворлари ганч нақшлари билан бежирим қилиб безатилган. Бунда ўзбек ганчкор усталари қўллайдиган «гулли рафтор», «патниҳ ислими», «гириҳ» (геометрик чизма), «чакопардоз» ва бошқа хилма-хил нақшлар бор. Халқ усталари бу мураккаб ишни жуда қисқа вақт ичида, кишини ҳайратда қолдирадиган даражада бажарганлар. Усталар деворнинг юзини текис қилиб тайёрлашда йирик ганч қоришмасига елим билан қуруқ бўёқ ҳам қўшиб ишлатганлар. Бинонинг ички деворлари ва бошқа айрим қисмлари жимжимали ганч нақшлари билан шундай санъаткорона бажарилганки, уни кўрган ҳар бир томошабин ҳайратда қолади ва усталарнинг сермашаққат нозик меҳнатларига тасаннолар ўқийди.

Бинонинг учта хонаси ва кенгаш зали турли-туман миллий безаклар, нақшлар ва гуллар билан, меъморчилик жиҳатидан жуда ҳам серҳашам қилиб безатилган.

Бундай нозик ишларни бажарган нақшкор усталарга тошкентлик меъмор Олимжон Қосимжонов раҳбарлик қилган.

Залнинг тўрида ва этагида иккитадан токча, бошқа бир томонда эса мехроб бор. Токча нақшдор ганч панжара билан тўсилган бўлиб, уни айрим нақшлар ва чиройли гуллар билан безашда тошкентлик уста Тошпўлат Арслонқулов қатнашган. Залнинг тўрида ва шимол томонида ўзбек амалий санъатининг энг яхши намуналаридан ҳисобланган иккита нафис ўймакорлик билан ишланган эшик бор.

Хуллас, ўзбек, рус ва чех меъморлари томонидан жуда катта маблағ эвазига тикланган бу муҳташам бино ўзининг қурилиш услуби ва нақшинкорлиги билан бошқа бинолардан ўта ажралиб туради.



1937 йилдан бери Ўзбекистон амалий санъат асарлари доимий кўргазмасига айлантирилган бу бинода 12 та зал бор. Санъат масканн ҳисобланган бу музейнинг фондида беш мингдан зиёд турли-туман экспонатлар бор. Булар мустақил Ўзбекистонимизнинг ўтмиш ва ҳозирги кундаги бадиий ҳунармандчилигининг ривожланиш тарихи, юртимизнинг талантли қўли гул кулоллари, заргарлари, мисгарлари, каштачи ва гиламдўзлари, ёғоч ўймакорлиги усталарининг ижоди ҳақида ҳикоя қилади.

Матолар, чиннилар кўргазмаси залида анвойи хонатлас, беқасам ва бошқа хилма-хил газламалар, Тошкент чинни заводи тайёрлаган чойнак, пиёлалар деразадан тушаётган қуёш нурида ял-ял ёнса, қўшни хонадаги миллий чойшаб, зардўзлик буюмлари — зардевор, зардўппи, ироқи сингари турли ашёлар ҳар бир томошабинда катта қизиқиш уйғотади.

Яна бир залда эса, ўзбек миллий халқ чолғу асбобларининг деярли барча тури ва қўлда тўқилган гиламлар кенг ўрин олган.

Улар меҳнаткаш халқнинг нозик диди, бой санъати, уста ҳунармандчилиги, тенгсиз маҳоратидан далолат бериб турибди.

Музей залларида республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза мукофоти нишондори, машҳур уста раҳматли Қодиржон Ҳайдаровнинг бадиий ёғоч ўймакорлигига доир асарлари, Сулаймон Хўжаев ва унинг шогирди Мақсуд Қосимовнинг безакдор ишлари, тошкентлик моҳир халқ устаси Ортиқ Файзуллаевнинг безама «панжара»си ҳам киши диққатини ўзига жалб этади. Унинг бу асари олтин нишон билан тақдирланди. Шунингдек, бу ерда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ёқуб Рауфов, Жалил Ҳакимовнинг ёғочга ўйиб ишлаган турли-туман асарлари ҳам ҳар бир томошабинни қизиқтириши турган гап.

Музей залларига қўйилган халқ амалий санъати асарларининг энг яхши намуналари Бутуниттифоқ ва жаҳон, жумладан: Париж, Нью-Йорк, Брюссель, Япония, Ҳиндистон ва Туркияда очилган халқаро кўргазмаларда ўзбек каштаси ва дўппилари, кулолчилик, зардўзлик ва заргарлик буюмлари катта олтин, кумуш ва бронза нишонлари олишга муяссар бўлди.

Ҳозирги кунда музей ходимлари халқ амалий санъатига доир материалларини тўплаш, асраш, илмий асосда ўрганиш ва келажак авлод учун бой маданий мерос қолдириш, музей фондларини янада янги топилма ва халқ ижоди намуналари билан бойитиш мақсадида тез-тез изланиш сафарлари уюштирмоқдалар.

Ана шулар ҳисобидан халқ амалий санъати хазинаси кундан-кунга нодир топилмалар билан бойиб бормоқда.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ,
санъатшунос.

СУРАТЛАРДА: музей биноси кўриниши; музей ходимаси Санобар Тошмуҳамедова кумуш қумғонни намойиш этмоқда.

** Китоб жавонингизга*

ЗАРУР ВА ҚИММАТЛИ

Ўзбек луғатшунослик фани узоқ тарихга эга. У қадимдан ривожланиб келади. Республикамизда 1940 йиллардан икки тилли луғатлар тузишга жиддий киришилди. Бинобарин, икки тилли фразеологик луғатлар 70-йиллардан кўпроқ нашр этила бошланди. Биз таҳлил этаётган «Қисқача ўзбекча-русча мақол-маталлар луғати» нисбатан янги, уни бу соҳада биринчи қалдирғоч дейиш мумкин.

Филология фанлари доктори Мақсуда Содиқова кўп йиллардан бери мақол ва маталлар мавзуси устида иш олиб борди ва унинг луғатини тузиб чиқди. Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти ушбу луғатни 50 000 нусхада чоп этди. Маълумки, ҳар қандай (хоҳ изоҳли, хоҳ икки тилли бўлсин) луғат китобхонлар учун зарур ва қимматлидир. Икки тилли фразеологик мақол ва маталлар луғатлари бўлса сўз бойлиги янада чуқур, янада қизиқарли, янада долзарб бўлишида катта аҳамиятга эга. Шунинг учун мазкур луғат синчков китобхонлар диққатини шу ондаёқ ўзига жалб этиб, уларнинг китоб жовонларидан муносиб ўрин олди.

Мазкур луғат мундарижаси бир минтга яқин мақол ва маталларни ўз ичига олган, у асосан мактаб ўқувчиларига, ўқитувчиларга, таржимонларга, шунингдек, ўзбек ёки рус тилини ўрганувчиларга мўлжаллананади.

Луғатнинг таомили бўйича ўзбекча мақол ва маталлар русчага рус тилидаги муқобил эквивалентлар билан таржима қилинган. Бундай муқобил эквивалентлар топилмаган ўринларда изоҳлар, талқинлар воситасида тушунтириш берилади. Имконияти бор ерларда (яъни, таржима ғализ ёки кулгили чиқиб қолмаслик учун) уларнинг сўзма-сўз таржималари ҳам бериб кетилган. Бу йўсин ўзбек тилидаги мақол ва маталларни яна ҳам чуқурроқ ва кенгроқ тушунишга имкон яратади.

Луғат биринчи бор нашр этилаётгани туфайли бўлса керак, у айрим нуқсонлардан ҳам ҳоли эмас. Масалан, баъзи луғат мақолларига русча изоҳ ва талқинлар бирмунча кенг берилган, муқобил вариантлар кўпроқ келтирилган, баъзи луғат мақолларининг таржималари тўмтоқроқ чиқиб қолган. Мақол ва маталларни характерловчи қисқартма белгилар (пометалар) тизими кўп ўринларда изчилликка эга бўлмаган ўринлар учрайди ва ҳоказолар. Лекин бу каби жузъий нуқсонлар луғатнинг умумий қимматини тушира олмайди.

Сайёра НИЗОМИДДИНОВА,
филология фанлари номзоди, доцент.

** Нашриёт туҳфалари*

ОФАТИЖОН «ЛАЗГИ»

⊙ Истъдодли шоир Тўлан Низом Андижон вилоятида яшайди. Шоирнинг «Шеър айтгим келяпти, «ойижон» ва «Муқаддас руҳ» шеърий китоблари кўпчиликка манзур бўлди. Унинг ижодида «Чўлпон», «Мажнунтол йиғиси», «Гиря», «Руҳи равоним» ва «Бобур» номли достонлари алоҳида ўрин тутади. Қатағон қурбони бўлган буюк адибимиз Чўлпоннинг ҳаётий фожиасини акс эттирувчи, улкан дард билан ёзилган «Чўлпон» достони китоб ҳолида чоп этилди.

⊙ Иқбол адабиётимизга кириб келаётган янги тўлқинга мансуб шоирлардан. У фарғоналикларга хос зарофат билан шеър айтади. Унинг шеърларида қадимги оҳанглардан тортиб, фавқулодда ташбеҳларгача учратиш мумкин. Унинг «Сени соғинаман» шеърий тўплами мухлисларига арзирли совға бўлди.

⊙ Таниқли қирғиз шоири Нодирбек Алимбеков Тошкентда ўқиб, камол топган. Шу боисдан ҳам шеърларида қон-қардошлик нафаси уфуриб туради. Бундан ташқари ҳар бир асарида замондошини инсофли ва диёнатли бўлишга чорлайди. Унинг яқинда эълон қилинган «Гулнинг умри» китоби ана шундай шеърлардан тузилган. Шеърларни қирғизчадан Турсунбой Адашбоев таржима қилган.

⊙ Хоразм «Лазги»си кимларнинг қалбини ҳаяжонга солмаган, кимларни жўшқинлантирмаган! Таниқли раққоса, Хоразм рақсларининг моҳир ижрочиси Гавҳар Матёқубованинг «Офатижон Лазги» рисоласида лазги ўйин турларининг тарихи тўғрисида кўпгина қизиқарли янги маълумотлар келтирилган, бу гўзал рақсларнинг ўзига хос томонлари ёритилган.

Ушбу китобларни Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти азиз китобхонларга тақдим этди.

Назира ЖУРАЕВА.

АЛИШЕР Навоий номидаги академик Катта театрида композитор Мустафо Бафоевнинг «Умар Ҳайём» операси саҳналаштирилди.

Спектаклнинг мусиқа раҳбари ҳамда дирижёри халқ артисти, Ҳамза номидаги Республика давлат мукофотининг совриндори Дилбар Абдураҳмонова. Саҳналаштирувчи режиссёр Ўзбекистон ва Озарбайжон халқ артисти, Ҳамза номидаги Республика давлат мукофотининг совриндори Фаридун Сафаров.

** Янги томошалар*

САҲНАДА—«УМАР ҲАЙЁМ»

Шарқнинг буюк шоири, олими ҳамда мутафаккири Умар Ҳайём ҳаётининг бир бўлаги ҳақида ҳикоя қилувчи бу опера томошабинларда катта таассурот уйғотди. Шеър билан мусиқанинг уйғунлашуви, қўшиқлар билан рақсларнинг уланиб кетиши, томошадаги шарқ бозорининг тасвири опера санъати муҳлисларининг диққатини ўзига тортди.

Спектакль бошида очиқ турган китоб томоша сўнггида ҳам шундай кўрсатилади. Умар Ҳайёмнинг порлоқ руҳи китобларига, фалсафий жиҳатдан теран ва буюк рубойилари қатига сингиб кетади... Спектаклда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашларга дуч келамиз. Бошдан-оёқ қора кийимга бурканиб олган ёмонлик, ҳасад, жаҳолат тимсоли Нас-нас (Ўзбекистон халқ артисти Гули Ҳамроева)нинг оний ғалабалари умри эса қисқа бўлиб, ақл ва инсонийлик, илму маърифат юқори поғонага кўтарилиб бораверади.

Спектаклнинг муваффақиятли чиқишида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби рассом Туйғун Шорахимов, хормейстерлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист С. Шодмонов, М. Яниринская, балетмейстер халқ артисти, Ҳамза номидаги республика давлат мукофотининг совриндори Галия Исмайлова, концертмейстерлар Л. Абдуқаюмова, Д. Ахметшина, Н. Волох, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист С. Парковаларнинг хизмати катта. Спектаклдаги асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Абдуҳалил Абдуқодиров, Абдулла Бозоров, Ҳамрали Кичимбоев, Муяссар Раззоқова, Ўзбекистон халқ артисти Қўрқмас Муҳиддинов, республика ашулачилар мусобақасининг совриндори Неъмат Синхабиби ижро этганлар.

Малика ХИДИРОВА.

ЎН ИККИ ЁШЛИЛАР ҚУТЛАНДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ 144-мактабда ҳинд халқининг «Ҳоли» номли ва ўзимизнинг қадимдан сақланиб келаётган мучал байрамига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ҳамда Аброр Ҳидоятов номли театр артистлари иштирок этиб, мактабдаги 12 ёшга тўлган болаларни байрам билан қутлашди. Тантанага хомийлик қилган кичик корхона эса болаларга совға-саломлар улашди.

Мурод РАҲИМОВ.

КЕЙИНГИ пайтларда айрим ҳайдовчиларнинг ўз-

воситаларига қўшимча ёнилғи идиш ўрнатиш, юкхона-

давлат андозаси талаблари бўйича транспорт воситасининг

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР